


Ш.Ш.Олимов, Б.Т. Жураев

# МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ



БУХОРО– 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.Ш.Олимов, Б.Т. Жураев

# **МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ**

(Олий ўқув юрти талабалари учун методик қўлланма)

БУХОРО– 2021

**Ш.Ш.Олимов, Б.Т. Жураев. Малакавий амалиёт. Методик қўлланма. –Б.: Бухоро давлат университети, 2021. - 41 б.**

*Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш тизимида талабаларнинг таълим муассасалари, ташиқлот ва корхоналарда ўтказиладиган малакавий амалиёт алоҳида ўрин тутди. Мазкур методик қўлланмада малакавий амалиётнинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмунига қўйиладиган талаблар ташиқлий-методик нуқтаи назардан ёритиб берилган.*

*Методик қўлланма олий ўқув юрти талабалари ва амалиёт раҳбарлари учун мўлжалланган.*

Тақризчилар:

Б.Р.Адизов - педагогика фанлари доктори, профессор  
Б.Қ.Ходжаев – педагогика фанлари номзоди, доцент

Бухоро давлат университети ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. (Баённома №1 «30» август 2021 йил)

## КИРИШ

Ҳар бир давлатнинг истиқболи илм-фан, техника, таълим тараққиёти билан баркамол кадрларни вояга етказиш билан боғлиқдир. Малакавий амалиёт бакалавр йўналишдаги талабаларнинг олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг изчил давоми саналиб, бакалаврият йўналиши бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва мазкур билим, кўникма, малакаларни бевосита таълим-тарбия жараёнига қўллаш имкониятини беради.

Малакавий амалиёт ташкилотлар, таълим муассасасида (мактабдан ташқари муассасалари, маҳалла, махсус мактаблар, меҳрибонлик уйларида, оромгоҳлар) бўлажак мутахассисларнинг ташкилий, конструктивлаш, режалаштириш, коммуникатив тадқиқ қилиш каби касбий ва педагогик маҳоратни шакллантиришига эмас, балки уларнинг касбий хусусияти ва мутахассис шахсига қўйган талабидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштиришга қаратилгандир.

Малакавий амалиётнинг асосий мақсади бўлғуси мутахассисларни ташкилотлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, оромгоҳларда ўқув, тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш, касбий маҳорат ва қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Агар талабалар билимларини амалиётда қўлланиши, ҳаётга татбиқ этишни ўргансалар ва бу жараёнда назарий хулосаларга келсалар уларнинг олган билимлари қатъий ишончга айланади. Амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчи шахсининг касбий-педагогик хислатлари шаклланишида ўз-ўзини тарбиялашнинг кучайиши кўмак беради.

Малакавий амалиётнинг биринчи кундаёқ талабалардан асосий ижтимоий вазифа, яъни ҳар томонлама ривожланган йетук инсонни шакллантириш, ёш авлодни ҳаётга ва фаол меҳнатга тайёрлаш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, малакавий амалиёт даврида талабаларнинг иши ижодий характерга бўлиши лозим.

Талабалар ўз касбий мажбуриятларини ижодий бажарса педагогик топшириқни ҳал қилишининг самалрали шакл ва усуллари қидирса, ўзи танлаган касбига муносабати, педагогис фаолиятга қизиқиши касбий маҳорати ошиб боради. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда малакавий амалиёт илғор иш тажрибаларини ўрганиш маскани маҳорат мактаби ҳисобланади.

# **1-БОБ. БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

## **1.1. Малакавий амалиёт ҳақида тушунча**

Малакавий амалиёт – бўлажак мутахассисларни тайёрлашда ўқув-педагогик жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Малакавий амалиёт намунавий ва ишчи ўқув режасига мос равишда амалга оширилади. Малакавий амалиётнинг мазмунни амалиёт турига қараб, кафедрада ишлаб чиқилган дастурига мос бўлади. Малакавий амалиёт ўқув машғулотларидан ажралган ҳолда ташкил этилади. Малакавий амалиётни талабалар олий таълим муассасаси билан шартнома тузилган ташкилотларда ўташлари мумкин. Айрим ҳолларда битирувчи курс талабалари ўзи ишлашни режалаштираётган таълим муассасаларида фаол малакавий амалиётни ўташлари мумкин. Талабаларнинг малакавий амалиётни ўташ жойлари олий таълим муассасаси ректори томонидан чиқарилган буйруқ асосида ташкил этилади.

## **1.2. Малакавий амалиётнинг мақсади ва вазифалари.**

Малакавий амалиёт мақсади - бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш, олган билимларини амалиётда синаб кўриш, педагогик ва касбий фаолият маъсулиятини ҳис этиш ва ўз устида ишлаш кўникмасини шакллантириш, шунингдек, тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганишдан иборат.

### ***Малакавий амалиёт вазифалари:***

- ❖ Талабаларда танланган касбига қизиқишни такомиллаштириш;
- ❖ Касбий фаолият ҳақида бир бутун тушунчани шакллантириш;
- ❖ Касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ❖ Касбий фаолият бўйича тажрибани яратиш.
- ❖ Талабаларнинг олган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва уларни амалда қўллашга ўргатиш.
- ❖ Мустақил ва ижодий ишлашга, илғор тажрибаларни мунтазам ўрганишга, касбий фаолиятда ижодкор бўлишга ундаш.
- ❖ Мутахассислик фанидан билимларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш.
- ❖ Амалиётчиларнинг ўзларига бириктирилган ишларни мустақил равишда ташкил этишига эршиш.
- ❖ Мутахассисликдан дарс типларига, дарс ўтишнинг илғор усулларига, замонавий методларга алоҳида эътибор бериш.
- ❖ Мутахассисли дарсларини кўргазмали куроллар, техника воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтишларига эришиш.
- ❖ Кенгайтирилган дарс ишланмалари туздириш.
- ❖ Тажрибали мутахассислар, ўқитувчилар иш фаолиятини кузатиш, ўрганилган фаолият юзасидан муҳокама ташкил қилиш.

❖ Амалиётчиларнинг бир-бирларининг дарсларини мунтазам кузатиб боришларини назорат қилиш. Кузатилган дарсларни ўша кунидек таҳлил қилиб, ютуқ-камчиликларини айтиш. Методик маслаҳатлар бериш, зарур йўл-йўриқлар кўрсатиш.

❖ Бўлажак мутахассисларда раҳбарга хос касбий малака ва кўникма ҳосил қилиш, касбий маҳоратларини шакллантириш.

❖ Малакавий амалиёт жараёнида мустақил ҳолда иш фаолиятини ташкил этишга ўргатиш.

❖ Синф раҳбарлигини олиб бориш, тарбиявий иш, одобнома машғулоти, маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиш.

### **1.3. Малакавий амалиёт турлари**

Малакавий амалиёт уч босқичда амалга оширилади.

1-босқич - танишув- малакавий амалиёти. У ўқув режасига асосан тегишли йўналишлар бўйича биринчи ёки иккинчи курсда 1 ёки 2 ҳафта давомида таълим муассасаси ва ташкилотларда амалга оширилади. Амалиёт давомида талабалар асосан ўрта махсус, таълим муассасаси ёки ташкилотларнинг иш фаолияти билан танишадилар ва белгиланган тартибда ҳисобот топширадилар.

2-босқич - ўқув-малакавий (дала) амалиёти. У 3 курсда амалга оширилади. Унда талабалар таълим муассасаси ёки ташкилотларда юритиладиган барча ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатлар билан танишади ва мутахассислик фан ўқитувчиларининг дарсларини кузатади.

3-босқич - педагогик амалиёт (битирув олди амалиёт). У 4 курснинг 7-8 семестрида олиб борилади ва 11 ҳафта давом этади. Педагогик амалиёт жараёнида талабалар ўқув машғулотирига тайёрланиш билан биргаликда, маънавий-ахлоқий тарбиявий ишлар режасини тузади, гуруҳ раҳбари ёрдамчиси сифатида гуруҳни ўрганади ва суҳбатлар ташкил этади. Ўзига бириктирилган гуруҳда педагогик-психологик таҳлис ўтказади.

#### **Талабаларнинг педагогик амалиётига қўйиладиган талаблар:**

➤ Мутахассилик фанларидан ўқитишнинг сўнгги усулларини қўллаган ҳолда машғулоти олиб бориш;

➤ Дарс ишланмалари, тестлар, мавзуга оид кўрғазмали ва тарқатма материаллар тайёрлай олиш;

➤ Техника воситаларидан фойдалана билиш;

➤ Дарсларни педагогик-дидактик ва психологик билимлар асосида таҳлил қилишни ўрганиш;

➤ Ўқувчиларни фанга қизиқтириш;

➤ Ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини билиш, ўрганиш ва синф жамоасига психологик тавсиянома ёзиш;

➤ Одобнома машғулотирини кузатиш, тарбиявий матн ёзиш ва ўтиш;

➤ Синф раҳбарлиги фаолияти, тарбиявий иш ҳужжатлари билан яқиндан танишиш, тарбиявий тадбирларда фаол иштирок этиш ва ота-оналар билан мулоқотда бўлиш;

- Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш, тарбиянинг таъсирчан усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларда одоб, билим, касб-ҳунар эгаллаш ва мустақил диёримизга муҳаббат, бурчга садоқат, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларини тарбиялаш. Синфдан ташқари турли тадбирлар ўтказиш;
- Кутубхонага ўқувчиларнинг қатнашувини таъминлаш ва уларни қизиқтириш;
- Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш тизимини, ота-оналар йиғилишларини ўтказиш услубларини ўрганиш;
- Мактабда навбатчиликни кузатиш ва ўзлари ҳам бу жараёнда тўла иштирок этиш лозим.

## **2-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАШКИЛОТЛАР, ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ МАЗМУНИ**

### **2.1. Талабаларнинг ташкилотлар, ёзги оромгоҳлар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги малакавий амалиётни ташкил этиш**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган малакавий амалиётга оид Низомда ҳам университет фаолиятининг асосий тамойили бўлган ўқишни амалиёт билан қўшиб олиб борилишига урғу берилган. Бу эса ёзги оромгоҳлар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим тарбиявий ишларга янгича ёндасиси асосида педагогис жараёнини ташкил этишни тақозо этади. Амалиётнинг бу тури бўлажак мутахасисларни тайёрлашнинг 2-босқичи ҳисобланади. Бу жараёнда ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари имкониятлари боситаларини намойиш қилиш учун ўтказилади. Малакавий амалиёт муассасаларида талабаларнинг ташкилий, конструктивли, режалаштириши, комункатив тадқиқ қилиш каби педагогик маҳоратни шакллантириш билан бирга индивидуал ва инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштиради.

Амалиётнинг мақсади муассасаларда тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш, касбий маҳорат ва қобилиятларни ривожлантиришдан иборат.

Агар талабалар назарий билимларни амалиётда қўллашни, ҳамда тадбиқ этишни ўргансалар ва бу жараёнда назарий хулосаларга келсалар уларнинг олган билимлари қатъий ишончга айланади. Шунинг таъкидлаш лозимки малакавий амалиёт даврида талабанинг фаолияти мазмуни ижодий характерда бўлиши лозим. Кенг кўламда ўз касбига мажбуриятларни ижодий бажарса, келажакда фаолиятини этишда асосий диққат эътибори педагогик топшириқларни ҳал қилишни самарали шакл ва усуллари изласа, кейинг иш фаолияти жараёнида яъни дарс ўтишда машғулотлар ўтказишда янги замонавий технологиялардан фойдаланиши имкониятига замин тайёрлайди. Шундагина касбий маҳорати ошиб бориши ва бу соҳада катта мувофақиятларга эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, малакавий

педагогик амалиёт илғор иш тажрибларини ўрганиш маскани, маҳорат маскани ҳисобланади.

Ёзги педагогик амалиётнинг асосий мақсади талабаларнинг касбий маҳоратини ўстириш ҳамда ўсмирлар билан ёзги таътил даврида тарбиявий - ташкилий ишлар олиб бориш методикасини эгаллашдан иборат. Талабалар болалар йетакчиси , тарбияга сузиш ва туризм бўйича Минструкторлик касблари тарзида амалиёт ўтказдилар. Амалиётнинг асосий вазифалари куйдагилардан ҳиборат:

- Ёзги таътилда шароитида ўқувчилар билан мустақил иш олиб бориш маҳорати ва малакасини эгаллаш. Ёзги дам олиш шароитида ўқувчиларни тарбиялашнинг шакл ва методларини ўрганиш

- Болалар билан дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ўтказиш методикасини эгаллаш.

- Ёзги амалиёт мактаб қошидаги, шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги дам олиш ва соғломлаштириш масканларда ташкил этилади. Унда талабалар тарбиячи, гуруҳ йетакчиси, жисмоний тарбия инструктори каби лавозимларда ишлаш билан бирга турли тўғаракларнинг раҳбарлари бўлиб ишлашлари мумкин. Ёзги амалиётда талабалар куйдаги ишларни бажаришлари лозим.

1. Дам олувчи ўқувчилар билан таркиби билан танишиш , уларни лагерга тайёрларлиги (медицина ходими хулосаси, керакли кийимлар ва оёқ кийими, шахсий гигиена буюмлари билан таъминланганликларини,) аниқлайдилар.

2. Ҳар бир болани шахсий қизиқиши ва хусусиятларини аниқлаш, смена учун кундалик ва иш режа тузиш.

3. Болалар фаоллари билан ишлаш, уларни турли кўрсатмалар билан таништириш, гуруҳ мажлиси, турли кўрик мусобақалар, эрталабки савфланишни ўтказиш ишларини ташкил этиш.

4. Туристтик юришлар уюштириш ва ўтказиш, юришлар пайтида жойни тўғри белгилар кўникмларини эгаллаш.

5. Турли ижтимоий - сиёсий, ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, даврий матбуот ва радио, телевидение эштиришлари билан таништириш, ҳарбий спорт ўйинлари таниқли меҳнат фахрийлари ва олимлар билан учрашувлар ташкил этиш.

6. Ўқувчиларни яқин жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўлиларидаги меҳнат ўдежараёнлари билан таништириш.

7. Табиатга сайр қилдириш, жонли табиат билан таништириш, жонли бурчаклар ташкил этиш, ўлкашунослик материаллари, ўсимликлардан намуналар йиғишга ўқувчиларни ўргатиш.

8. Болалар ёшига мос ўйинлар, ашулалар ўргатиш.

9. Дам олувчиларни лагер ички тартиб қоидаларига риоя қилишга , уларни соғлигини мустаҳкамлаш, ҳтоза ва озодаликка риоя қилишга ўргатиш.

10. Лагер шароитида ўтказиладиган турли ишлаб чиқариш педагогика кенгашларида қатнашиш

11. Бажарган ишларини қайд қилиб бориш учун кундалик юритиш.

## **2.2. Спорт мажмуалари ва спорт саройларида малакавий амалиётни ташкил этиш**

Спорт мажмуалари ва Спорт саройларининг иш юритиш фаолияти билан танишув.

1) Спорт мажмуалари ва спорт саройлари раҳбарлари билан танишув ва суҳбатлар ўтказиш

2) Буларнинг ўқув-тарбиявий иш режалари билан танишув

3) Мавжуд бўлган спорт жиҳозлари учун бирга ишлаш тартиби

4) Бу жойларда машғулот ўтказиш жадвали

5) Машғулот ўтказувчилар рўйхати ва уларнинг иш фаолияти қайси спорт турида машғулот ўтказиш, мусобақаларини ташкил қилиш

6) Жисмоний тарбия бўйича инструкторлари вазифаси билан танишиш ва ишни ўрганиш

7) Ҳар бир талаб шахсий иш режасини тузиш, амалга ошириш, кундалик юритиш ва ўзининг ҳисоботини юритиш

2 - курс талабалри учун ва дам олиш оромгоҳлари жисмоний тарбия ишларини олиб бориш , болалар, ўсмирлар спорт мактабида амалиёт ташкил қилиш.

1) Раҳбарлар билан танишиш ва суҳбат ўтказиш

2) Раҳбарлик ва педагог мураббийларнинг ўқув тарбиявий иш режалари билан танишиш

3) Ўқув машғулотлар ўтказиш ҳужжатлари ва мураббийларнинг юкламалари билан танишиш

4) Спорт мактабидаги инструктор ва услубшуносларни иш фаолиятини ўрганиш

5) Мактабдаги мусобақа календари , мусобақалар низомини ва дастурини тузиш асосларини ўрганиш.

6) Шахсий иш режа тузиш, кундалик юритиш ва қилинган ишлар ҳақида ҳисобот ёзиш

7) Оромгоҳ раҳмарлари билан танишув ва суҳбат ўтказиш

8) Оромгоҳ жойларини ва спорт майдонлари ўрганиб чиқиш ва оромгоҳ кундалик режаларини тузиш

9) Оромгоҳдаги иш режа билан танишув ва ўз фаолиятини давом эттириш

10) Жисмоний тарбия бўйича инструкторлик вазифасини ўрганиб чиқиш ва ишлаш тартибини режа асосида давом эттириш

11) Оромгоҳдаги отрядлардаги раҳбарлик қилиш, бошқа оромгоҳда дам оладиганлар билан боғлиқ мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказишни ўргатиш

12) Амалиётда ўз шахсий иш режасини тузиш ва кундалик юритиш.

13) Қилинган ишлар бўйича ҳисобот ёзиш

### **2.3. Мактабгача таълим муассасаларида малакавий амалиётни ташкил этиш**

1. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қарор, фармон ва ҳужжатларнинг мазмуни.

2. Оила кодексининг ахлоқий, юридик-сиёсий моҳияти. Оилани мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти.

3. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорларнинг моҳияти.

4. Ўзбекистонда ёш болали оналарга ғамхўрлик ва нафақалар.

5. мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларининг сони (вилоят, шаҳар), қайси вазирлик корхоналарга бўйсунуши.

6. Мактабгача таълим муассасаларини бошқариш ва молиялаш.

7. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни гуруҳларга ажратиш тартиби.

8. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга доир ҳужжатлар.

9. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни ташкил этиш шакллари ва методлари.

10. Мактабгача таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги.

11. Оилавий боғчалар: уларда таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.

12. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш жараёни.

### **2.4. Ўқув дала амалиётини ташкил этиш**

Талабаларнинг йил давомида ботаника фанидан олган билимларини мустаҳкамлаш, ўсимликлар морфологиясини, систематикасини ва геоботаника асосларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ёзги ўқув дала амалиёти машғулоти ўтказилади. Ботаникадан ўтказиладиган ўқувдала амалиёти давомида талабалар ўсимликлар қоплами билан яқиндан танишадилар. Шунингдек улар ёввойи ва маданий ўсимликларнинг маълум хўжалик аҳамиятига эга эканлиги, улардан қимматбаҳо доривор, ем-хашак ва техник ўсимлик сифатида фойдаланишни илмий асосда амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қиладилар. Ўсимликларнинг номини аниқлашда аниқлагичдан фойдаланиш йўллари тўла ўзлаштирадилар.

***Малакавий амалиёт жараёнда талабалар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:***

1. Малакавий амалиёт ўтказган таълим муассасаларидаги ўқувчилар таркиби билан танишиш, уларнинг тайёргарлиги (медицина карточкаси, шахсий гигиена буюмлари, керакли буюмлар, ўқув машғулоти куроллари ва ҳоказолар. Билан таъминланганлиги) аниқлайдилар;

2. Ҳар бир боланинг шахсий қизиқиши ва хусусиятларини аниқлаш, кундалик ҳафталик, иш режалар тузиш;

3. Болалар билан мустақил ишлаш, уларни турли кўрсатмалр билан таништириш, гуруҳ тўғрарак мажлиси, турли кўрик мусобақалар, эрталабки сафланишни ўтказиш ишларини ташкил этиш;

4. Туристик юришлар уюштириш ва ўтказиш. Бу жараёнда жойни тўғри ва аниқ белгилаш кўникмаларини эгаллаш;

5. Турли ижтимоий - сиёсий, маънавий ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш вақтли матбуот, радио, телевидение эшиттиришлари билан таништириш, спорт ўйинлари, таниқли олимлар, шоирлар, спортчилар, меҳнат фахрийлари билан учрашувчилар ташкил этиш;

6. Яқин атрофдаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлардаги меҳнат жараёнлари билан таништириш;

7. Табиатга сайр қилдириш, жонли табиат билан таништириш, жонлибурчаклар ташкил этиш, ўлкашунослик материаллари, ўсимликлардан намуналар йиғишга ўқувчиларни ўргатиш;

8. Болалар ёшига мос турли ўйинчоқлар ясаш, ўйинлар ўтказиш;

9. Мактабдан ташқари таълим муассалари ва оромгоҳ ички тартиб қоидаларига риоя қилиш, тозалик ва озодаликка эътибор бериш, навчилар ишини ташкил қилиш

10. Муассаса кенгашларида иштирок этиш;

11. Ишчи қоғозлар, ҳужжатлар билан танишиш ва уларни юритишни ўрганиш.

### **3-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА БАЖАРГАН ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ.**

#### **3.1. Талабаларнинг малакавий амалиёт жараёнида бажарган ишларини ҳисобга олиш**

Малакавий амалиёт даврида талабалар олиб борган ўқув-тарбиявий ишлари, кузатишлари бўйича кундалик дафтар юритадилар. Унда амалиёт дастури бўйича олинган топшириқларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, ўқув-педагогик тавсифномага тааллуқли маълумотлар ифодаланган. Амалиёт якунида ҳисоботлар тайёрлашда талабалар дафтардан фойдаланадилар.

Гуруҳ раҳбари, педагогика, психология ва мутахассислик кафедраси ўқитувчиларидан иборат комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва тавсифномага асосан талаба бажарган ишларга тегишли балларда баҳо қўяди. Баҳо назоратининг рейтинг тизими асосида қўйилади.

Малакавий амалиётининг якунига бағишлаб ўқув юртида якуний конференция ўтказилади.

#### **3.2. Амалиёт раҳбарининг мажбуриятлари**

➤ Дастур асосида ишчи режа тузиш;

➤ Амалиёт ўтказилаётган муассаса ва ташкилотга мунтазам қатнаб туриш;

➤ Талаба-амалиётчилар томонидан мазкур ишчи дастур талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

- Талабанинг амалиёт талабларига муносабати ва онгли меҳнат интизомини назорат қилиш;
- Мактаб директори, илмий бўлим мудирлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, илғор ўқитувчи ва мураббийларнинг маслаҳатларини олиш ҳамда улар билан суҳбат уюштириш;
- Талабанинг она тили ва адабиёт, одобнома дарсларини кузатиш ва маслаҳатлар бериш;
- Талабаларнинг амалиётга доир ҳужжатлари билан танишиш ва ўргатиш;
- Тегишли журнал юритиш, талабанинг амалиёт бўйича ҳисоботи, тавсифномасини ўрганиш, педагогик кенгашда қатнашиш, рейтинг назоратини ташкиллаш ҳамда кафедра, факультет деканатига ҳисобот ёзиш.

### **3.3. Методистларнинг вазифалари:**

1. Малакавий амалиётнинг мақсади ва мазмунини талабаларга тушунтириш.
2. Малакавий амалиёт раҳбари ва кафедралар томонидан тайинланган методистларнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини эшитиш.
3. Ташкилот ва муассасалар билан умумий танишиш, фан хоналарини кириб кўриш.
4. Мактаб раҳбарлари, ўқитувчилари жамоаси, синф раҳбарлари билан танишиш, суҳбатлашиш.
5. Амалиётчиларни синфларга тақсимлаш, мутахассислик дарсларини кузатиш.
6. Таълим муассасаларида давлат ўқув режалари ва дастурларнинг бажарилиши, дарс жадвали тўғрисида мактаб илмий бўлим мудирлари билан суҳбат.
7. Педагогик амалиёт бурчагини тайёрлатиш, унинг мазмуни қандай шаклда бўлиши юзасидан методик кўрсатма бериш.
8. Тажрибали ўқитувчи ва мутахассислар билан шу фанларни ўтиш усуллари ҳақида суҳбат ташкил қилиш.
9. Тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва уни таҳлил қилиш. Амалиётчиларнинг дарсларини кузатиш, таҳлил қилиб бориш, методик маслаҳатлар бериш.
10. Тайёрланган кўргазмали қурооллар сифатини текшириб бориш.
11. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни олимпиадаларга тайёрланишига кўмаклашиш.
12. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш йўллари ўргатиш.
13. Амалиёт давомида метод бирлашма ишида қатнашиш. Метод бирлашма ҳужжатлари билан танишиш.
14. Фанга оид кечалар уюштиришларини назорат қилиш, турли тадбирлар ўтказишга ундаш.
15. Малакавий амалиёт якунига бағишланган конференция ўтказиш кунини белгилаш ва иштирок этиш. Малакавий амалиётга алоқадор ҳужжатларни таҳлил этиш. Педагогик амалиёт юзасидан талабаларнинг ишини баҳолаш.

16. Педагогик амалиёт йиғилишига доир ҳисоботлар ёздириш ва кафедрага топшириш.

17. Педагогик амалиётга бағишланган конференцияда амалиётчилар иши юзасидан сўзга чиқиш. Амалиётчилар ҳужжатлари асосида кўргазма ташкил этиш.

### 3.4. Педагогик амалиёт жараёнида бажариладиган ишларнинг тахминий мазмуни:

**Педагогика фанидан педагогика кафедраси доценти Қ.Ф.Абдуллаевнинг амалиётчи-талабалар билан олиб борадиган ҳафталик ишлари режасининг мазмуни**

Амалиётни ўтказиш вақти: 200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан  
200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача

Тартиб рақами	Амалиётчи-талабалар билан олиб бориладиган услубий ишларнинг ҳафталик мазмуни	Белгиланган тадбирларнинг ўтказиш санаси	Режалаштирилган ишларни бажарилганлиги тўғрисида маълумот
1	2	3	4
<b>БИРИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Педагогик амалиётга бағишланган конференцияда иштирок этиш ва амалга ошириш керак бўлган тарбиявий вазифалар тўғрисида сўзлаш.		
2.	Талабалар билан танишиш, бириктирилган ўқув юртларни аниқлаш, талабаларга дастлабки вазифаларни бериш		
3.	Ўқув юрти синф раҳбарлари билан танишиш, талабаларни синфларга тақсимлаш. Тарбиявий ва ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари билан суҳбат уюштириш.		
4.	Педагогик амалиёт даврида олиб боришлари керак бўлган расмий ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш.		

5.	Амалиётчи — талабалар билан педагогика фанидан хужжатларни тайёрлаш ва синф раҳбарларнинг тарбиявий тадбирларига қатнашиш ва уларнинг таҳлиliga фаол иштирок этиш.		
<b>ИККИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	"Амалиётчи бурчаги"нинг мазмунини аниқлаш, муҳокама қилиш, тайёрлаш ва чиқариш масалаларини келишиб олиш.		
2.	Дарс берадиган фанлардан ярим йиллик календар иш режасини кўчириб олишни йулга қўйиш (8-9 синфлар)		
3.	Режа буйича мавзуларни тулик ўрганиш (8-9 синфлар)		
4.	Мавзу буйича методик кулланмаларни топиш		
5.	Мактаб ўқитувчиларига амалий ёрдам бериш дастурини ишлаб чиқиш ва уни мактаб маъмурияти билан муҳокама қилиш. Синф ўқувчилар жамоасини ўрганишнинг намунавий дастурини муҳокама қилиш.		
<b>УЧИНЧИ ҲАФТА.</b>			
1.	Биринчи ва иккинчи ҳафта давомида ёзилган хужжатларни текшириш, хужжатларни юритиш юзасидан услубий маслаҳатлар бериш.		
2.	Кундалик дафтарларнинг мазмунига ва юритилишига эътибор бериш.		
3.	Ҳафта давомида дарслар маънавият дарсига иштирок этиш ва уларни таҳлил қилишга қатнашиш.		
4.	Дарс таҳлилинини педагогик, психологик, услубий талабларга мувофиқ ташкил этилишини йулга қўйиш.		
5.	Маънавият фанидан конспект тузишга ёрдам бериш		
<b>ТУРТИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Маънавият фанидан талабаларга маслаҳатлар бериш, уларнинг дарс конспект тузишда кўмаклашиш.		

2.	Амалиётчи — талабаларнинг ота-оналар билан суҳбат уюштириш мавзулари билан таништириш.		
3.	Амалиётчи — талабаларни дарсдан бўш вақтларида мустақил ишлашга жалб этиш.		
4.	Маънавият дарси мавзулари буйича методик кургазмаларни тайёрлашга курсатма бериш		
5.	Амалиётчи — талабалар диққатига услубий маърузалар мавзуларини ҳавола қилиш ва ўз хоҳишларига кўра муайян мавзунини танлаб олишни таклиф қилиш.		
<b>БЕШИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Туртинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Педагогик амалиётга оид вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган материаллар билан талабаларни таништириш, уларни қизиқтирган саволларига жавоб бериш.		
3.	Маънавият ва мутахассислик дарсларида ноанъанавий дарслар жадвални тайёрлаш, уларнинг ўтказиш санасини келишиб олиш. Келишилган санани талабаларга, синф раҳбарларига ва услубшуносларга эълон қилиш.		
4.	Ҳужжатлар юритилишини текшириш, талабаларга маслаҳатлар бериш.		
5.	Амалиётчи — талабанинг паст ўзлаштирувчи ўқувчи билан ишлашини йўлга қўйиш.		
<b>ОЛТИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Бешинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Талабаларни "Маънавият ва маърифат машғулоти" ни ўтказишга жалб қилиш, улар тайёрлаган материалларни кўздан кечириш.		
3.	Дарслар ва тарбиявий тадбирлар таҳлилига қатнашиш, ютуқларни қайд этиш, камчиликларни такрорламаслик устида фикр юритиш.		
4.	Маънавият фанидан дарс конспектини ёзишга маслаҳат бериш.		

5.	Синф раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш.		
6.	Ўқувчилар билан синфдан ташқари олиб бориладиган ишларини йўлга қўйиш ва уларни ташкил этиш услубиёти ҳақида амалиётчи — талабаларга маслаҳатлар бериш.		
<b>ЕТИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Олтинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Талабаларнинг кундалик дафтарларидаги ҳафталик режани, тайёрланган маънавият фанидан конспектларини, сценарийларини кўздан кечириш, тасдиқлаш, амалий маслаҳатлар бериш.		
3.	Режалаштирилган услубий маърузани тинглаш, муҳокама қилиш, зарур бўлган тавсияларни талабаларнинг кундаликларида қайд қилдириш.		
4.	Тарбияси қийин бўлган болалар билан яккама — якка ишлашни йўлга қўйиш ва бу борада талабаларга амалий ёрдам кўрсатиш.		
5.	Замонавий дарсларни ташкил этишда Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш мавзусида семинар ўтказиш		
6.	Фан ўқитувчиларининг услубий кенгашида талабаларнинг иштирок этишини таъминлаш ва улар мустақил билим олишларига услубий ёрдам кўрсатиш.		
<b>САККИЗИНЧИ ҲАФТА.</b>			
1.	Еттинчи ҳафта давомида бажарилган ишлар мазмунини ва юритилган ҳужжатларни текшириш, ютук, камчиликларини қайд этиш.		
2.	Маънавият фанидан дарс конспекти ва дарс ўтказиш хусусида талабаларга аниқ маслаҳатлар ва тавсиялар бериш.		
3.	Талабаларнинг ҳафталик иш режаларини тасдиқлаш.		
4.	Маънавият фанидан тарбиявий тадбирларнинг конспектларини, сценарийларини тасдиқлаш.		

5.	Синов дарс таҳлилларига иштирок этиш, таҳлил қилиш, қатнашган талабаларнинг фикрларини умумлаштириш ва баҳолаш.		
6.	Талабалар диққатини синов дарси ўтказишдаги хато, камчиликларни олдини олишга жалб қилиш, уларни йўқотиш йўллари устида тўхталиш.		
7.	Ўқув юрти маъмурияти томонидан ташкил этилаётган. Ўқув — тарбиявий тадбирларда талабалар иштирокини назорат қилиш ва ҳисобга олиш.		
8.	Синф ўқувчилари мустақил олиб борадиган тарбиявий ишларга педагогик раҳбарлик қилишни таъминлаш.		
<b>ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Саккизинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Режалаштирилган услубий маърузаларни тинглаш ва муҳокама қилиш.		
3.	Синф раҳбарларининг услубий семинарларида талабаларнинг иштирок этишларини назорат қилиш ва йулга қўйиш.		
4.	Тадбирларни ўтказишга услубий ёрдам бериш ва конспектларни текшириш		
5.	Дарс таҳлиллар дафттарини текшириш		
6.	Дарс таҳлилларига катнаши		
<b>ЎНИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Тўққизинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Синф тарбиявий тадбирларини ўтказишда иштирок этиш ва таҳлиliga қатнашиш, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида фикр алмашиш.		
3.	Дарс таҳлиliga қатнашиш ва услубий ёрдам бериш		
4.	Паст ўзлаштирувчи ва тарбияси қийин бўлган ўқувчилар билан яккама— якка олиб борилган ишларни тақлил қилиш, қобилиятлиларга амалий маслаҳатлар бериш.		
5.	Оталиқ ташкилотлар билан олиб борилган ҳамкорлик тўғрисида талабаларнинг ҳисоботларини тинглаш.		

6.	Ўқувчилар, ўқитувчилар жамоаси, оналар ўртасида миллий мактаб, тарбия ва педагогик билимларни тарғиб қилинг муаммосини ўрганиш ва уни амалга ошириш борасида аниқ тадбирлар белгилаш.		
<b>ЎН БИРИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Ўнинчи ҳафтада бажарилган ишларни текшириш ва услубий ёрдам бериш		
2.	Талабалар ва синф раҳбарлари учун "Шарқ мутафаккирлари комил инсонни тарбиялаш тўғрисида" деган мавзуда маъруза тайёрлаш ва ўтказиш.		
3.	Ўқув юрти "Камалак" ва "Ёшлар иттифоқи" бошланғич ташкилотининг фаолиятида талабалар иштирокини назорат қилиш ва йулга қўйиш.		
4.	Режалаштирилган услубий маърузаларни тинглаш ва муҳокама қилиш (маънавият соатларини таҳлил қилиш).		
5.	Педагогик амалиёт ҳужжатларини расмийлаштириш борасида қўйиладиган талабларни яна бир карра эслатиш.		
6.	Маънавият фанидан конспект тузишга ёрдам бериш		
<b>ЎН ИККИНЧИ ҲАФТА</b>			
1.	Ўн биринчи ҳафта давомида бажарилган ишлар мазмунини ва юритилаётган ҳужжатларни текшириш ва услубий ёрдам бериш.		
2.	Педагогик амалиётнинг охириги ҳафтаси учун режалаштирилган тадбирларни тасдиқлаш ва услубий ёрдам бериш. Якуний конференцияга тайёрлаш		
3.	Режалаштирилган маънавият дарсларини таҳлил қилиш ва услубий ёрдам бериш.		
4.	Синф раҳбарларининг талабалар хусусидаги фикрларини тинглаш ва муҳокама қилиш.		
5.	Ҳужжатлар тайёрлашни йулга қўйиш.		
6.	Ҳисобот кунини белгилаш ва амалиётчи — талабаларнинг ҳисоботларини қабул қилиш		
<b>ЎН УЧИНЧИ ҲАФТА</b>			

1.	Амалиётчи — талабалар томонидан тайёрланган альбомлар, деворий газеталарнинг махсус сонларини, тарбиявий тадбирларнинг энг яхши сценарийларини намуна сифатида йиғиб олиш ва кафедрага топшириш.		
2.	Амалиётчи — талабаларнинг олиб борган тарбиявий ишларига яқун ясаш, баҳолаш, у ёки бу малакаларини чуқурлаштириш борасида талабаларга аниқ маслаҳатлар бериш.		
3.	Факультетда педагогик амалиёт яқунларига бағишлаб ўтказиладиган конференцияда иштирок этиш, ўз хулосалари, фикр — мулоҳазалари билан ўртоқлашиш, педагогик амалиётнинг самарадорлигини оширувчи омиллар тўғрисида таклифлар киритиш.		
4.	Педагогик амалиёт яқунларига бағишланган шахсий ҳисобот, кузатиш ва таҳлиллар дафтарини кафедрага топшириш.		

### **3.5. Талабанинг педагогик амалиёт жараёнида тайёрлаши лозим бўлган ҳужжатлар:**

1. Амалиётчи талабанинг амалиёт режаси
2. Кундалик
3. Иш режа (ўқув предметлари бўйича)
4. Дарс таҳлили
5. Дарс конспекти
6. Тарбиявий соатлар конспекти
7. Тарбиявий иш режа
8. Тарбиявий тадбир сценарияси
9. Синф раҳбари ҳужжатлари
10. Ўқувчи ва синф жамоасига педагогик-психологик тавсифнома
11. Тавсифнома
12. Ҳисобот

### 3.6. Амалиётчи-талабанинг ҳафталик иш режасининг тахминий жадвали.

РЕЖА	ДУШАНБА	СЕШАНБА	ЧОРШАНБА
Мактаб раҳбарлари ва ўқувчилар билан танишиш.	Мактаб директор ўринбосарлари, "Камалак" ва "Ёшлар иттифоқи" етакчилари билан суҳбатга қатнашиш.	Бириктирилган синфдаги дарс таҳлилига қатнашиш. Синф ўқитувчиси билан суҳбат.	Бошқа синф ўқитувчилари дарси таҳлилида қатнашиш.
Фан бўйича ўқув-тарбиявий ишлар.	Фан ўқитувчиси режаси билан танишиш. Синф хонасини жиҳозлаш ва режаси билан танишиш.	Фан ўқитувчиси дарс таҳлилига қатнашиш.	Фан мавзуси ва мазмуни, ўқув дарсликлари билан танишиш.
Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар	Синф ўқитувчиси билан синфда олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳақида суҳбат.	Синф фаоллари билан суҳбатлашиш	"Маънавият ва маърифат" машғулотларида қатнашиш ва таҳлил қилиш. "Камалак" ва "Ёшлар иттифоқи" бошланғич ташкилотлари кенгашида қатнашиш.
Жамоат ташкилотларида педагогик ишларни ташкил этиш мазмуни билан танишиш.	Маслаҳат олиш.	Ўқитувчиларнинг ҳудудларда олиб бориладиган иш режаси билан танишиш.	Режани тасдиқлаш.
Усулий ва изланувчанлик ишлари.	Усулий йиғилиш, педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари.	Услугунонос ва ўқитувчилардан маслаҳат олиш, педагогик ҳафталик ва кундалик тузиш.	Услубий йиғилиш. Педагогик амалиёт даврида ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар мазмуни
Педагогик консилиум ўтказишга кўмаклашиш	Синфдаги ўқувчилар тартиб—интизом ва ўзлаштиришини ҳисобга олиш.	Синф раҳбари тарбиявий иш режаси билан танишиш.	Ўқувчилар кундаликлар кўриб чиқиш.

ПАЙШАНБА	ЖУМА	ШАНБА
Дарс таҳлилига қатнашиш. Синф фаоллари билан суҳбат ўтказиш.	Дарс таҳлилига қатнашиш. Синф тарбиявий иш режаси, журнали ва етакчи режаси билан танишиш.	Дарс таҳлилига қатнашиш. Шахсий режа тузиш ва тасдиқлаш.
Педагогик амалиёт даврида ўтказиладиган дарс жадвалини тузиш. Ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириш	Адабиётлар билан танишиш (илмий услубий қўлланма қўшимчалари).	Маъруза матнини тузиш. Дидактик материаллар тайёрлаш, кичик плакатларни принтердан қоғозга ёки слайдга чиқариш.
Ўқувчиларни тарбиявий режада кўрсатилган тадбирларга тайёрлаш	Ўқувчилар кундалигини текшириш. Синф ота-оналари билан суҳбат ўтказиш учун уйларига бориш	Ўқувчиларни тарбиявий соатда белгиланган тадбирга тайёрлаш.
Оталиқ ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш.	Педагогик ўқишлар, ота-оналар билан олиб бориладиган суҳбат мавзусига тайёрлаш.	Суҳбат мавзуларини тасдиқлаш.
Семинарлар ташкил этиш ва қатнашиш. Давлат таълим стандартлари билан танишиш, уларни таълим-тарбия тизимига тадбиқ қилиш.	Психологиядан маслаҳат. Ўқитувчиларнинг услубий йиғилишига қатнашиш.	Педагогикадан маслаҳат. Ўқитувчилар услубий йиғилишига қатнашиш.
Дарсдан бўш вақтда ўқувчилар ўқув мотивини текшириш ва таҳлил қилиш.	Синф етакчилари билан суҳбатлашиш.	Педагогик кенгашга қатнашиш.

### 3.7. Талабанинг педагогик амалиётни ўтказганлиги тўғрисидаги ҳисоботининг тахминий мазмуни.

Бухоро давлат университети \_\_\_\_\_ факультети  
\_\_\_\_\_ йўналиши \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ нинг  
200\_ йил \_\_\_\_\_ дан 200\_ йил \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (туман, шаҳри)даги

\_\_\_\_\_ (таълим муассасасининг тўлиқ номи)  
олиб борган педагогик амалиёти бўйича

#### **ҲИСОБОТИ:**

1. Педагогик амалиёт режасини бажариш. Режадан қандай четга чиқишлар бўлди? Нима учун? Режадан ташқари қандай ишлар амалга оширилди, амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

2. Ўтилган дарслар ҳисоби, қандай дарслар, Сизнинг назарингизда муваффақиятлироқ ўтди, қандай камчиликлар юз берди? Нима учун?

3. Амалиёт даврида Сиз қандай асосий дидактик вазифаларни ҳал этдингиз ва қандай натижаларга эришдингиз?

4. Сиз ўз ишингизни ташкил этаётганда қандай ва қайси илғор педагогик тажрибаларга суянган ҳолда иш тутдингиз? Улардан қандай фойдаландингиз (муаммоли ўқитиш элементлари, ишнинг текшириш услублари, илғор тажрибадан фойдаланиш, ТТВ ва бошқалар). Ўз тажрибаларингиздан аниқ мисоллар келтиринг! Сиз бажарган ишингиздан қоникдингизми? қандай назарий, услубий, ташкилий қийинчиликларга дуч келдингиз?

5. Сиз амалиёт мобайнида қандай асосий тарбиявий вазифаларни ҳал қилдингиз? "Болалар", "Ёшлар иттифоқи" ташкилотлари билан тарбиявий ишларни олиб бориш -тизимига қандай шакллар киритилган? Уларга ўз муносабатингизни билдиринг!

6. Таълим муассасаси шароитида ўқувчиларга индивидуал муносабат қандай амалга оширилади?

7. Сиз келажақда ўз олдингизга қандай ташкилий — тарбиявий вазифалар қўймоқчисиз? Сиз амалиёт жараёнида қандай маҳорат ва малакаларни эгалладингиз?

8. Амалиёт ҳақидаги Сизнинг хулосаларингиз. Сизнинг педагогик фаолиятингизни шаклланишида ўтказилган амалиётнинг аҳамияти. Амалиётни ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва уни янада мазмунлироқ қилиш борасидаги фикрингиз ?

Амалиётчи — талаба: \_\_\_\_\_

Ҳисоботнинг ёзилган вақти: \_\_\_\_\_

### 3.8. Педагогик амалиётни ўтганлиги тўғрисида бериладиган тавсифноманинг мазмуни.

Бухоро давлат университети \_\_\_\_\_ факультети  
\_\_\_\_\_ йўналиши \_\_\_\_\_ курс \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси  
\_\_\_\_\_нинг \_\_\_\_\_  
(туман, шаҳри)даги

(таълим муассасасининг тўлиқ номи)

педагогик амалиётни ўтганлиги тўғрисидаги тавсифноманинг тахминий мазмуни,

Педагогик амалиёт давомида \_\_\_\_\_ фан ўқитувчиси (қайси фан) ва синф раҳбари (қайси синфда) сифатида амалиёт дастўрини ва индивидуал топшириқларни тўлиқ бажарди (у ёки бу сабабга кўра амалиётнинг у ёки бу қисмини бажармади).

#### Тавсифномада қуйидагилар қайд этилади:

Педагогик амалиёт дастурида белгиланган иш турларини бажариш, ташкил этиш ва бошқариш малакаларини шакллانганлиги;

— турли ёшдаги ўқув гуруҳи болалари билан дарсларни ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ўтказиш сифати;

— ўқув гуруҳини бошқара олиши, гуруҳда тартиб-интизомни назорат қилиш ва ҳисобга олиш малакасининг борлиги;

— амалиётчи-талабанинг ўз мутахассислиги бўйича тайёргарлик даражаси, унинг услубий малака ва кўникмалари, назорат билимларини амалиётда қўллай билиш даражаси;

— ўз ишида мустақилликка интилиш даражаси, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, талабчанлиги ва ижрочилиги;

— таълим муассасасининг ички қоидаларига ва меҳнат интизомига нисбатан бўлган муносабати;

— талабанинг фаолияти тўғрисида хулоса ва унинг касбий тайёргарлигидаги хато — камчиликларни тузатиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар.

Мактаб директори: \_\_\_\_\_

Фан ўқитувчиси: \_\_\_\_\_

Синф раҳбари : \_\_\_\_\_

Маълумотнома таълим муассасасининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

#### Амалиётчининг фаолиятига баҳо беришда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинади:

1. Ўтилган мавзунинг мақсади ва вазифасини аниқ ифода этиши, уларни ўқувчилар онгига етказиши.

2. Мазмуннинг илмийлиги, янгилиги ва изланишларнинг энг илғор хулосаларидан фойдаланиш.

3. Шу мавзуга тўғри келадиган усулларни қўллай олиши.

4. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар (таълим жараёнига асосий муносабат усули, педагогик одоб, ўзини тута билиш)

5. Дарсинг режага мувофиқлиги.

6. Педагогик усул техникаси (нутқ, тилининг софлиги, хатти-ҳаракат, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш, ўқитишнинг техник воситаларни қўллаш, доскадан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни жалб эта олиш).

7. Ўқув жараёнида ўқувчиларни руҳлантириш ва қизиқтира билиш.

8. Фаолиятга ижодий муносабат (илғор ўқитувчилар тажрибасидан ижодий, танқидий фойдаланиш).

### 3.9. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари

Педагогик амалиёт давомида талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш 100 баллик рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ҳисобот малакавий амалиёт тугагандан сўнг 3 кун муддатда қабул қилиниши шарт. Баҳолаш комиссияси таркиби аъзолари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Факультет декани
2. Декани ўринбосари
3. Кафедра мудири
4. Факультет амалиёт раҳбари
5. Амалиёт объектидан тайинланган методист
6. Методист ўқитувчи

Педагогик амалиёт жараёнида ўқув режасидаги фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб баллар қуйидагича тақсимланади:

Мутахассислик фанидан– 50%

«Педагогика» фанидан– 20 %

«Психология» фанидан– 15%

Ҳисобот учун– 15 %

Талабаларнинг балларда ифодаланган ўзлаштиришлари қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл– 5 «аъло»

76 – 85 балл– 4 «яхши»

55 – 75 балл 3 «қониқарли»

Фанлар бўйича белгиланган вазифаларга балларнинг тақсимоти

#### Педагогика фани– 20%

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Синф раҳбарларининг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш, бириктирилган синфда тарбиявий режани тузиш		1 ҳафта	
2	Тарбиявий тадбир ишланмасини тузиш		Амалиёт давомида	
3	Тарбиявий тадбирларда		Амалиёт давомида	

	қатнашиш ва ўтказиш			
4	Педагогик ва психологик тавсифнома2 та(синф ва битта ўқувчига)		Амалиёт давомида	
5	Матнларни тузиш(меҳнат таълими бўйича) ва уларга тарбиявий мақсадни ёритиш даражаси		Амалиёт давомида	
6	Ота-она билан суҳбат		Амалиёт давомида	
7	Амалиётчи кундалигини юритиш		Амалиёт давомида	
9	Ҳисобот		Амалиёт давомида	
10	Тавсифнома		Амалиёт давомида	

### Психология фани– 15%

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Мактаб билан танишиш		1 чи ҳафта	
2	Мактаб, психолог билан суҳбат		1 чи ҳафта	
3	Педагогик-психологик тавсифнома тайёрлаш		Амалиёт давомида	
4	Ўқувчилар шахсий варақасини ўрганиш ва тузиш		Амалиёт давомида	
5	Ота-оналар билан суҳбат		Амалиёт давомида	
6	Юритилган ҳужжатлар		Амалиёт давомида	

### Ҳисобот учун– 15 %

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1				
2				

### Мутахассислик фанидан– 50%

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Педагогик амалиётга бағишланган йиғилишда қатнашиш		1 чи ҳафта	
2	Мактаб, маъмурияти билан танишиш		1 чи ҳафта	
3	Календар-тематик режани ўрганиш ва тузиш		1 чи ҳафта	
4	Ишланма(конспект тузиш)		Амалиёт давомида	
5	Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш		Амалиёт	

			давомида	
6	Кўргазмали куроллардан фойдаланиш ва тайёрлаш		Амалиёт давомида	
7	Синфда дарсларни ўтказиш		Амалиёт давомида	
8	Синфдан ташқари ишлар (тўғараклар ўтказиш, ўқувчилар билан ишлаш, олимпиадаларга тайёрлаш, тадбирлар ўтказиш		Амалиёт давомида	
9	Ҳужжатлар: кундалик, ҳисобот, ишланма, тавсифнома		Амалиёт давомида	

1-3 курс талабаларининг малакавий амалиёти баллар кесимида қуйидагича ҳисобга олинади:

Мутахассисликдан- 85 %

Ҳисобот – 15%

**\*Амалиёт даврида талаба фаолиятини рейтинг усулида баҳолашнинг тахминий картаси**

№	Амалиётчининг исми ва фамилияси	Синфи	Иш режаси	Дарс ишланма	Дарс таҳлиллари	Дарс сифати	Кўргазма	Кечаматни	Амалиётчининг тизими	Тўпланган балл	Имзо
			5	10	10	40	10	10	15	100	
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
11											
12											
13											
14											
15											
16											
17											
18											
19											

**3.10. Талабаларнинг малакавий амалиётига университет профессор ўқитувчилари томонидан раҳбарлик қилиш ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблаш**

4-курс	
Амалиётнинг факультет раҳбарига	Педагогик амалиёт даври учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20/2018 буйруғи асосида амалга оширилади.
Амалиёт гуруҳ раҳбарига	
Педагогика кафедраси ўқитувчисига	
Психология кафедраси ўқитувчисига	

Агар талабалар икки мутахассислик бўйича амалиётда қатнашсалар икки гуруҳ раҳбари тайинланади ва гуруҳ раҳбарига белгиланган умумий вақт (соат) тегишлича иккита тақсимланади.

**ЭСЛАТМА:**

1) *Ўқув ҳажми- юкламанинг меъёри амалиётнинг муддатига қараб, яъни 4 курсда 6-8 ҳафта, агар муддат узайтирилса ёки камайтирилса, ўқув соати ҳажми ҳам унга мутаносиб ўзгаради.*

2) *Педагогик амалиётга раҳбарлик учун ўқув ҳажми (юклама) соатлари ўқув режасида кўрсатилиб, университет ректори томонидан меъёрланади.*

**Талабаларнинг малакавий амалиётига раҳбарлик учун ўқув-тарбия муассасаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш**

Кундузги бўлим	
Муассаса раҳбари	Кафедрада ажратилган вакант соатлар ҳисобидан тўланади.
Ўқитувчи	
Дарсдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчи (синф раҳбар)	

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**5110900–Педагогика ва психология таълим йўналиши  
4-2PPS-16- гуруҳ талабаси  
Темиров Раҳматулла Исматулла ўғлининг**

**Шофиркон тумани 19-умумий ўрта таълим мактабида  
ўтказган**

**МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ  
Ҳ У Ж Ж А Т Л А Р И**

**Бухоро – 2022 йил**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА НИЗОМ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
1998 йил 30 октябр 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган*

## **1. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик амалиётини ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

1.1. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти – илғор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқув жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган давомидир.

1.2. Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуни ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

1.3. Амалиёт дастурлари танланган йўналишнинг малакавий талаблари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг (бундан буён амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобга олинган ҳолда тегишли ўқув муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни олий ўқув юртлари ректорлари тасдиқлайди.

## **2. Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик**

2.1. Талабалар амалиёти олий таълим муассасаларининг давлат ва акциядорлик корхоналари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма корхоналар ва бошқалар билан тузган шартномалари асосида ташкил қилинади.

2.2. Юридик шахслар билан тузилган контракт асосида ўқийдиган талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт объектларига юбориладилар.

2.3. Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юртининг ректори зиммасига юкланади.

2.4. Амалиёт жойлари, талабаларнинг катта гуруҳлари ўтишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаси яқинида жойлашган амалиёт объектларидан танланади.

2.5. Олий ўқув юртлари:

– ҳар йили 1 декабрдан кечикмаган ҳолда, навбатдаги календар йили учун амалиёт объектлари билан шартномалар тузади. Амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календар жадвалини амалиёт объектлари билан келишиб олади.

– талабалар ва амалиёт объектларини амалиёт дастурлари билан таъминлайди.

2.6. Олий ўқув юрти тайинлаган амалиёт раҳбари:

– талабалар келишига зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради.

– талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирларни ўтказишни таъминлайди.

– амалият объектлари талабаларнинг меҳнат ва маиший хизмат шaroитлари меъёридагидек таъминланганлигини назорат қилади.

– талабаларнинг ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади.

– амалиёт яқунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади.

– талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши ҳақида тавсиянома беради. Талабалар амалиёт ўтганлиги, уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилган, амалиётни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритилган ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этади.

2.7. Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан масъул ходимларнинг бирига юклатилади.

2.8. Шартнома мажбуриятларига мувофиқ амалиёт объектлари:

– талабалар амалиётини амалиёт дастури ва мазкур низомга мувофиқ ташкил қилади ва ўтказади.

– дастурга мувофиқ талабалар амалиёт ўтказишнинг самарадорлигини таъминловчи иш жойлари билан таъминлайди.

– талабалар таълим йўналишлари бўйича бўш иш жойлари мавжудлигида, амалиётчиларни тегишли иш ҳақи билан лавозимларга қабул қилади.

– талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради.

– курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда ёрдам беради.

– ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар беради, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсиз усулларига ўргатади ва бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилади.

– амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий қилинган ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади.

– зарур бўлган ҳолларда, ички меҳнат интизомини бузган амалиётчи талабаларга амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан жазо чоралари кўради ва бу ҳақда олий таълим муассасаси ректорига хабар қилади.

– амалиёт ўтаётган талабалар бахтсиз ҳодисага учраган ҳолда тўла жавобгарликни олади.

2.9. Талаба амалиёт ўтишда

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши
- амалиёт объектининг ички меҳнат тартиб қоидаларига бўйсунishi
- меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоидаларини ўрганиши ва қатъий риоя қилиши
- кундалик дафтар юритиши
- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равишда ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши шарт.

### **3. Амалиёт натижаларини яқунлаш**

3.1. Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган раҳбарга топширади. Ҳисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар, ҳулоса ва таклифларни ўз ичига олиши лозим.

3.2. Амалиёт якунида талаб ўз ҳисоботини олий таълим муассасаси томонидан комиссия олдида ҳимоя қилади. Комиссия таркибига ўтилаётган амалиёт фанини олиб борувчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бириктирилган раҳбар ва имкони бўлса, амалиёт объектидан тайинланган раҳбар ҳам киритилади.

Амалиёт натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий-услубий анжумани ва амалиёт объектининг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади.

Олий таълим муассасаси ва факультет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига яқун ясалади.

3.3. Амалиёт дастурини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта амалиёт ўташга жўнатилади.

Айрим ҳолларда бундай талабанинг келгусида олий таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

3.4. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик билан келишилган ҳолда ўз тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг талабалари амалиёт ўташи учун йўл-йўриқларни мазкур низом асосида ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ  
НАЗОРAT ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26  
сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 август,  
19-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9  
августдаги 19-2018-сон **буйруғига**  
**ИЛОВА**

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва  
баҳолаш тизими тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом 2018-2019 ўқув йилида, шунингдек кейинги ўқув йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда қўлланилади.
2. Мазкур Низом талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилмайди.
3. Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талаблари билан таништирилиши шарт.
4. Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек

магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.

## **2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари**

### **1-§. Назорат турлари**

5. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

6. Оралиқ назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулоти давомида ўтказилади.

7. Оралиқ назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин.

Оралиқ назорат турини ўтказиш шакли ва муддати фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан белгиланади.

8. Оралиқ назорат турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

9. Семестр давомида ҳафтасига 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлар бўйича оралиқ назорат тури ўтказилмайди.

10. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулоти ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб борилади. Баҳолаш мазкур Низомнинг **15-бандида** назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

Талабани оралиқ назорат тури бўйича баҳолашда, унинг ўқув машғулоти давомида олган баҳолари инобатга олинади.

11. Якуний назорат тури семестр якунида (тиббиёт олий таълим муассасаларида фан якунида) тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

12. Якуний назорат турини ўтказиш шакли тегишли фан бўйича кафедра томонидан белгиланади.

13. Якуний назорат тури олий таълим муассасасининг тегишли факультет декани ёки ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқилдиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқландиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

14. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турлари объектив тизимлаштирилган клиник синов ёки объектив тизимлаштирилган имтиҳон шаклларида ўтказилиши мумкин.

### **2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари**

15. Талабаларнинг билими қуйидаги мезонлар асосида:

талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо;

талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.

16. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

### **3-боб. Талабалар билимини баҳолаш**

17. Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

18. Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланади.

Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин.

19. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш, шунингдек талабаларнинг билимини баҳолаш тегишли кафедра мудири томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби тегишли фан профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

20. Олий таълим муассасасида назорат турларини ўтказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

21. Талаба тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлишлари шарт.

22. Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди.

Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

23. Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

24. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камида 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

25. Битирувчи курс бўлмаган талабалар кузги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган ҳолларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича оралиқ ва (ёки) якуний назорат турларини янги ўқув йили бошидан қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Битирувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштирмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

Фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси ректорининг (бошлиғининг, филиал директорининг) буйруғи билан курсдан қолдирилади.

26. Талабага оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак.

Талаба оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта топширишдан ўта олмаган тақдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Иккинчи марта оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини ўтказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

27. Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлиғини, филиал директорини) хабардор қилади ва ушбу талаба ректор (бошлиқ, филиал директори) буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

28. Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

29. Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) ўзлаштирмаган семестр бошидан тўлов-контракт асосида мазкур ўқув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ўқишни давом эттиради.

30. Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

32. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

33. Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

34. Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

#### **4-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш**

35. Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини ҳисобга олиш журналида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) қайд этиб борилади. Профессор-ўқитувчи қўшимча равишда талабалар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Профессор-ўқитувчи Журналда талабага қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи талабаларнинг натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда Журналга қайд этиши лозим.

36. Назорат тури бўйича талабанинг билими «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

37. Талаба назорат тури ўтказилган вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда Журналга «0» белгиси ёзиб қўйилади.

38. Журнал тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи, кафедра мудири ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сақланади. Журналнинг сақланиши учун факультет декани масъул ҳисобланади.

39. Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари Журналга қайд этилганда, шу куннинг ўзида талабанинг Баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қўйилиши керак.

40. Яқуний назорат тури бўйича талабанинг билими «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки Журналга «0» белгиси ёзиб қўйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг Баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

41. Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

42. Тегишли ўқув йили якуни бўйича ишчи ўқув режадаги фанлар бўйича «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланган талаба олий таълим муассасаси ректорининг (бошлиғининг, филиал директорининг) буйруғига асосан кейинги курсга ўтказилади.

43. Баҳолаш натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

44. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимини 5 баҳо ёки 100 баллик тизим ва илғор хорижий давлатлар олий таълим тизимида қўлланиладиган баҳолаш тизимига қиёсий таққослаш ҳамда уларга ўтказиш мазкур Низомнинг **ИЛОВАСИГА** мувофиқ жадваллар асосида амалга оширилади.

#### **5-боб. Яқуний қоида**

45. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги **НИЗОМГА**

#### **ИЛОВА**

**1-жадвал**

**Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш**

#### **ЖАДВАЛИ**

5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала
5,00 — 4,96	100	4,30 — 4,26	86	3,60 — 3,56	72
4,95 — 4,91	99	4,25 — 4,21	85	3,55 — 3,51	71
4,90 — 4,86	98	4,20 — 4,16	84	3,50 — 3,46	70
4,85 — 4,81	97	4,15 — 4,11	83	3,45 — 3,41	69
4,80 — 4,76	96	4,10 — 4,06	82	3,40 — 3,36	68

4,75 — 4,71	95	4,05 — 4,01	81	3,35 — 3,31	67
4,70 — 4,66	94	4,00 — 3,96	80	3,30 — 3,26	66
4,65 — 4,61	93	3,95 — 3,91	79	3,25 — 3,21	65
4,60 — 4,56	92	3,90 — 3,86	78	3,20 — 3,16	64
4,55 — 4,51	91	3,85 — 3,81	77	3,15 — 3,11	63
4,50 — 4,46	90	3,80 — 3,76	76	3,10 — 3,06	62
4,45 — 4,41	89	3,75 — 3,71	75	3,05 — 3,01	61
4,40 — 4,36	88	3,70 — 3,66	74	3,00	60
4,35 — 4,31	87	3,65 — 3,61	73	<b>3,0 дан кам</b>	<b>60 дан кам</b>

2-жадвал

**Олий таълимда талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимларини қиёсий таққослаш  
ЖАДВАЛИ**

Таклиф этилаётган Ўзбекистон тизими	Россия тизими (МДУ) *	Европа кредит трансфер тизими (ECTS — European Credit Transfer System)	Америка тизими (A- F)	Британиа тизими (%)	Япония тизими (%)	Корея тизими (%)	Ўзбекистон тизими (%)
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 — 100	80 — 100	90 — 100	90 — 100
			«A»				
			«A-»				
«4»	«4»	«B»	«B+»	60 — 64	70 — 79	80 — 89	70 — 89,9
			«B»				
			«B-»				
«3»	«3»	«E»	«C+»	45 — 49	60 — 69	70 — 79	60 — 69,9
			«C»				
			«C-»				
			«D+»				
			«D»				
«2»	«2»	«FX»	«F»	0 — 39	0 — 59	0 — 59	0 — 59,9
		«F»					
		«F»					

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2018 й., 10/18/3069/1965-сон)*

**Педагогика таълим соҳаси бўйича талабаларининг малакавий педагогик амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисида МУВАҚҚАТ НИЗОМ**

Мазкур муваққат Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПК-3151-сон ҳамда “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сон қарорларига мувофиқ олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда - ОТМ) бакалаврият таълим йўналишлари синов- тажриба асосида малакавий педагогик амалиёти (кейинги ўринларда МПА деб юритилади)ни ўташ тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Малакавий педагогик амалиёт** - таълим турлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ишининг ажралмас қисми бўлиб, талабаларнинг касбий кўникма ва мапакаларини ривожлаштирувчи педагогик жараёндр. Амалиётчи- талабалар МПА даврида ўқув-тарбия жараёнининг барча томонларини таҳлил қилади ва бу МПА мактабгача таълим, давлат ва нодавлат умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида амалга оширилади. МПА даврида амалиётчи-талаба амалиёт утаётган таълим муассасасида шарт-шароит ва ички тартиб қоидаларига мослашиш, педагогик жамоа билан яқиндан танишиш имкониятига эга булади ва ОТМни тамомлагандан кейин иш билан таъминланиши назарда тутилади;

**қабул қилувчи муассаса** - давлат ва нодавлат мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўқув ишлаб чиқариш мажмуа(бирлашма)лари бўлиб, ОТМ амалиётчи-талабалар МПАни ўташи учун белгиланган қабул қилувчи муассаса билан ўрнатилган тартибда уч томонлама шартнома тузилган, амалиёт режа-жадвали ва дастурларини бажарилишини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган таълим муассасаси;

**қабул қилувчи муассасадан амалиёт раҳбари** - амалиётчи-талабаларга МПА давомида уларни муассаса ички тартиб қоидалари билан таништирувчи, касбий, амалий кўникма ва мапакаларни ривожлантирувчи, МПА даврида талабанинг касбий лаёқатини баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи муассаса (муассаса раҳбари томонидан тайинланган ходим) раҳбари.

**амалиётчи талаба** - бакалаврият таълим йўналишларининг МПА ўташи учун буйруқ расмийлаштирилган талаба.

синов-тажриба МПАлар таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиқиб, асосан юқори курсларда ташкил этилади.

2. МПА мазмуни унинг режа-жадвали ва дастурлари билаи белгиланади.

3. Олий таълим муассасалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида МПА самарадорлиги ва сифатини ошириш учун 2-курсдан бошлаб таълим йўналишлари мутахассислик фанларидан амалий машғулотларни ўқув дастурларига мувофиқ узлуксиз таълим муассасаларида ташкил этиш йўлга қўйилади.

4. ОТМ билан талабалар МПАни ўтказиш бўйича тегишли қабул қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномада битирувчини иш билаи таъминланшни тўғрисида бандлар киритилади.

5. Таълим йўналишларининг ўқув режасида МПАни ўташ даври қабул қилувчи ташкилотнинг фаолият юритаётган даврига, хусусан МПА таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни олиб борилаётган даврга мос ҳолда қўйилиши лозим.

6. Амалиётчи талабага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан 2003 йил 22 феврал куни ўтказилган 1222-сон) “Олий таълим тўғрисида”ги Низоми, шунингдек олий таълим муассасасининг Устави, Ички тартиб, Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ ҳайфсан ва талабалар сафидан четлаштириш чоралари кўрилади.

МПА дастурши белгиланган муддатларда узлаштирмаган ва ко пикарсиз баҳо олган талаба(лар) академик қарздор кисобланади.

Академик қарздор талабалар, шунингдек, МПАни узрли сабабларга кўра ўтай олмаган талабалар академик қарздорликни қонунларда белгиланган муддатда бартараф этиш ҳуқуқига эга.

## **2- боб. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш**

7. Педагогик амалиёт ОТМнинг қабул қилувчи муассасалар билан белгиланган тартибда тузилган уч томонлама намунавий шартномалари асосида ташкил қилинади (1-иловага мувофиқ).

ОТМ, амалиётчи-талаба ва қабул қилувчи муассаса педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича намунавий шартномада:

- шартнома предмети;
- тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- амалиётчи-талабани қабул қилувчи муассасанинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда МПАни ташкил этиш тартибини;
- шартноманинг амал қилиш муддатини;
- шартномани бекор қилиш асосларини;
- шунингдек тарафларнинг жавобгарлигини келишиб олади.

8. МПАни ташкил этишга масъул ОТМ ва уни ўтказиш учун масъул қабул қилувчи муассаса зиммасига юклатилади.

9. Халқ таълими ва мактабгача таълим ҳудудий бошқармаларига ОТМлар билан ҳамкорликда амалиётчи талаба(лар)ни МПА ўташи, иш билан таъминланиши бўйича доимий равишда мониторинг юритиш ва тегишли вазирликларга маълумот тақдим этиб бориш вазифаси юклатилади.

10. Амалиётчи-талабанинг МПА режа-жадвали ва дастурларини тўлиқ бажарилишига қабул қилувчи муассаса раҳбари жавобгар ҳисобланади.

11. Амалиётчи-талабалар ва МПА учун масъул ходимларнинг фаолияти МПА даотурига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Амалиётчи-талабалар МПА дастури бўйича “Амалиётчи портфолиоси”ни мунтазам юритиб бориши лозим.

МПА дастури таълим йўналишининг малака талабларига ва ишчи ўқув режадаги фанлар мазмунига мос келиши, таълим йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек фан ва ишлаб чиқаришнинг сунгги ютуқларини инобатга олиши керак.

МПА дастури қуйидаги асосий бўлимлардан таркиб топади: МПAnинг мақсад ва вазифадари, амалиёт мазмуни, режа-жадвали, амалиётчи-талаба фаолиятини баҳолаш мезони, амалиёт бўйича ҳисоботга талаблар.

Бундан ташқари, МПА дастурига амалиётни ўташга доир услубий кўрсатмалар (тавсиялар), фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар, ўқиш даврида олинган билимларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи тегишли материаллар ва ҳужжатлар ҳақидаги бўлимлар ҳам киритилиши мумкин.

12. МПАни ташкил этиш олдидан амалиётни муддати, ўташ жойи, ташкил этиш ва уни ўтказишни назорат қилиш юклатилган масъул шахслар кўрсатилган ОТМ ректорининг буйруғи расмийлаштирилади.

13. ОТМ томонидан белгиланадиган масъул бўлинма МПАни ташкил этиш, ўқув-услубий таъминлаш ҳамда ўташни мувофиқлаштириш ишларини мутахассис чиқарувчи кафедра мудири, факультет декани ҳамда қабул қилувчи муассаса раҳбари билан биргаликда амалга оширади.

14. ОТМ томонидан амалиётчи талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича доимий яшаш ҳудудидаги таълим муассасаларида шартнома асосида педагогик фаолиятини давом эггираётган битирувчиларга мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан услубий ёрдам кўрсатиш мониторинги жорий этилади.

15. Амалиётчи-талаба, ОТМ ва қабул қилувчи муассаса ўртасидаги уч томонлама шартномалар асосида амалиётчи-талаба МПАни хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўташи мумкин.

### **3-боб. Малакавий педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш**

16. ОТМ нинг педагогик амалиётини мувофиқлаштириш юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

Факультет деканати битирувчи талабани ОТМни тугатгандан кейин иш билан таъминлаш бўйича уч томонлама шартнома имзолаган қабул қилувчи

муассасада МПА ташкил қилиш ҳамда амалиёт бошланишидан икки ой олдин педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш учун ОТМ услубий кенгашига тақдим этиш;

ҳар бир таълим йўналишлари бўйича МПА буйруқлари лойиҳаларини шакллантириш;

МПАни ўтказувчи қабул қилувчи муассасаларни амалиётчи-талаба(лар)нинг амалиётни ўташ тўғрисида буйруқ билан хабардор қилиш;

амалиётчи-талабага педагогик амалиёт ҳужжатлари мажмуасини нашр қилиш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

қабул қилувчи муассасаларда педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастури бажарилишини, амалиётчи-талабанинг баҳоланишини амалиёт дастурига мувофиқ назорат қилиш;

амалиётчи-талабанинг педагогик амалиётда иштирок этганлиги амалиёт ўташ бўйича ОТМ буйруғи, талабанинг МПА кундалиги ва портфолиоси, ҳисоботи ва амалиёт учун баҳо қуйилган тегишли қайдномалар асосида аниқлаш;

амалиётчи-талаба МПАни ўташ учун ўз вақтида етиб бориши ва қайтиб келиши даврида бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонун ҳужжатлари асосида кўриб чиқиш;

масъул бўлинма томонидан ОТМ Кенгашида МПАлар ўтказилганлиги ҳақида семестр якунида ҳисобот бериб бориш.

17. Амалиётчи талабани МПА ўташга қабул қилувчи муассаса ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

қабул қилувчи муассаса ҳуқуқлари:

МПАни дастури ва тартиби, буйруқлари билан олдиндан танишиши;

МПАни ўтказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши;

МПАни ўташ юзасидан зарур маълумотлар олиши;

МПА бўйича услубий материаллар билан танишиш, қабул қилувчи муассаса мажбуриятлари:

МПАни юқори савияда ўташ учун шароит яратиш;

амалиётчи талабага етарли тажрибага эга педагог ходим ҳамда муассаса психологини устоз-шогирд тизимида бириктириш бўйича муассасанинг буйруғини расмийлаштириш;

амалиётчи-талабанинг МПА ўташ жойига етиб келиши, амалиёт ўташи ва амалиёт якуни бўйича ҳудудий бошқарма ҳамда ОТМга маълумотлар тақдим этиш;

таълим йўналишига масъул факультет деками билан талабанинг МПАни ўташи ҳолати бўйича мунтазам равишда алоқада бўлиш;

МПА муддатларига риоя қилинишини, шунингдек педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастури бажарилишини ҳамда педагогик амалиёт кундалиги ҳар кунлик тўлдирилшини назоратини олиб бориш, услубий ёрдам кўрсатиш, зарур ҳолларда, ОТМ вакиллари талабанинг педагогик амалиёт ўташ жойларига таклиф қилиш;

амалиётчи-талабанинг МПА ҳисоботини ёзиши бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар бериш;

амалиётчи-талаба(лар)нинг МПА якунида касбий лаёқати объектив баҳоланишига ва ҳисобот ҳимоясини ташкил қилиш;

МПА якунлангандан сўнг бир ҳафта муддатда амалиёт ҳисоботлари, баҳолаш қайдномаларини, таълим йўналишларининг малака талаблари ҳамда мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифларни ОТМ раҳбариятига тақдим этиш;

амалиётчи-талаба МПАни ўташ даврида амалиёт ўташ жойида бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонун ҳужжатлари асосида кўриб чиқиш.

18. Қабул қилувчи муассаса раҳбари амалиётчи-талаба таълим олаётган йўналиши бўйича буш иш жойлари мавжуд бўлган тақдирда, ўқишни битиргандан сўнг тўлиқ иш билан таъминлайди.

19. Қабул қилувчи муассасадан МПА раҳбари амалиётчи-талабага МПА дастури билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш топшириғини бериши тақиқланади.

#### **4- боб. Амалиётчи-талабанинг малакавий педагогик амалиётни ўташ бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

20. Амалиётчи-талаба ҳуқуқлари:

МПАни ўташ жойи, режа-жадвали, дастури ва тартиби билан олдиндан танишиши;

МПАни ўтказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши;

МПАни ўташ юзасидан зарур маълумотлар, йуриқномалар олиши;

МПА бўйича услубий материаллар билан танишиш ҳамда амалиёт раҳбарларидан йул-йўриқлар олиш.

Амалиётчи-талаба мажбуриятлари:

МПА режа-жадвали ва дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;

МПА даврида “Амалиётчи портфолиоси”ни ўрнатилган тартибда юритиши ва тегишли маълумотлар киритиб бориши;

МПАни ўташ жойига ўз вақтида етиб келиш ҳамда келиш-кетиш вақтига катъий риоя этиши;

ОТМ ва қабул қилувчи муассаса раҳбарининг (масъул қилиб тайинланган амалиёт раҳбарларининг) дастурда кузда тутилган ишларга оид барча топшириқларини бажариши;

малакавий педагогик амалиётни ўташ учун бориб келиш харажатлари амалиётчи-талабанинг ўзи томонидан қопланади;

ҳисоботга тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириши; қабул қилувчи муассаса ходимлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажбуриятлари юклатилади.

21. Амалиётчи-талаба МПАни ўтагандан сўнг қабул қилувчи муассаса раҳбари иштирокида амалиёт бўйича ҳисоботни белгиланган муддатда ҳимоя қилади ва ўрнатилган тартибда баҳоланади.

## **5- боб. Малакавий педагогик амалиётни ўташ босқичлари**

22. МПА уч босқичда ташкил этилади: тайёрлов босқичи - асосий босқич - якуний босқич.

тайёрлов босқичи МПАни ўташга кетишдан олдин ОТМда факультет декани, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи-талабалар иштирокида йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда амалиётчи-талабалар МПА режа-жадвали ва дастури билан танишади, унинг мақсади, вазифалари ва мазмунига тааллуқли кўрсатмалар ҳамда меъёрий ҳужжатларни олади, амалиётчи-талаба томонидан бажариладиган ишлар ва уларни МПА кундалигига қайд этиб бориш тартиблари билан таништирилади. МПАни ўташ бўйича амалий машғулотларда қатнашади.

Амалиётчи-талабалар қабул қилувчи муассасага етиб боргандан сўнг МПАни ўташнинг дастлабки кунларда қабул қилувчи муассасанинг тузилиш, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар.

асосий босқичда амалиётчи-талаба МПА режа-жадвали ва дастурида кўрсатиб ўтилган ишларни бсвосита қабул қилувчи муассасада бажаради.

якуний босқичда талабалар томонидан МПА дастури бўйича ҳисобот тайёрланиб белгиланган муддатда ҳимояси ўтказилади, амалиётни ўташ жараёнида бажарилган ишларнинг натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади.

## **6-боб. Малакавий педагогик амалиётни якунлаш**

23. МПА якунида амалиётчи-талаба ёзма равишда МПА дастури бўйича тайёрлаган ҳисоботни ҳамда уни қабул қилувчи муассаса раҳбари томонидан имзоланган кундалиги, ҳисоботи билан бирга амалиётдаги фаолияти бўйича олган баҳоси расмийлаштирилган қайдномани асл нусхасини ОТМ деканига белгиланган муддатда топширади.

24. Амалиётчи-талабанинг МПАни баҳолаш жараёни уни қабул қилувчи муассаса раҳбари томонидан ўтказилади ва факультет декани, тегишли кафедра мудирлари, малакавий амалиёт ва ҳамкорлик бўлими вакили иштирокида “Амалиётчи портфолиоси” билан мувофиқлаштирилади.

25. МПА натижаси бўйича баҳо талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

26. МПА ўқув дастурида белгиланган тартибда баҳоланади.

МПА даврида амалиётчи-талабанинг амалиёт дастурида белгиланган вазифаларини бажариши “Амалиётчи портфолиоси”да жорий баҳо (балл) сифатида белгилаб борилади ва ушбу баҳолар ҳисобот ҳимояси бўйича баҳоланишида инобатга олинади.

27. МПА якуни ОТМнинг тегишли факультет кенгашида муҳокама қилинади ва зарур ҳолларда қабул қилувчи муассасаларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин.

## **7-боб. Моддий таъминот**

28. Мазкур муваққат Низом 2020/2021 ўқув йили якунига қадар амал қилади.

29. МПАни ўташ даврида вакант иш ўрнига ўриндошлик асосида ишга қабул қилинган амалиётчи-талабага иш ҳақи тўланиши белгиланганлигидан катъий назар, унинг стипендия олиш ҳукухи сақлаб қолинади.

30. ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларинан келиб чиқиб, амалиётчи-талабалар МПАни ўташлари учун йўриқнома ва кўрсатмаларни таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низом асосида ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

#### **8-боб. Яқуний қоида**

31. Мазкур муваққат Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

## ГЛОССАРИЙ:

**Малака амалиёти** – ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларнинг маълум мавзулари бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган амалиёт туридир; Малака амалиёти ўқув, ишлаб чиқариш, педагогик ва битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) олди амалиётлари турларига бўлинади.

**Қабул қилувчи ташкилот** – талабалар малака амалиётини ўташи учун ОТМ билан белгиланган тартибда шартнома тузган, малака амалиёти режа-жадвали ва дастурларини тўла ҳажмда бажаришни таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган замонавий корхона, ташкилот, идора, муассаса, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, қишлоқ хўжалиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органи, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат ташкилотлари, молия-банк муассасалари, қурилиш объектлари, фирмалар, фермер хўжаликлари, ОТМ бўлимлари ва бошқа ташкилотлар;

**ОТМдан малака амалиёти раҳбари** – ўқув юкламасига малака амалиёти киритилган ОТМнинг тегишли кафедраси профессор-ўқитувчиси;

**Қабул қилувчи ташкилотдан малака амалиёти раҳбари** – талабаларга малака амалиёти давомида уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таништирувчи, амалий кўникма ва малакаларни ўргатувчи ва ОТМдан малака амалиёти раҳбари билан биргаликда амалиёт даврида талаба эгаллаган кўникмаларни баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот ходими.

**Ўқув амалиёти-таништирув**, экскурсион, диалектологик, ўлкашунослик, этнографик, архившунослик, археологик, дала ва ҳ.к. шаклларда ўтказилиб, талабаларни бўлажак мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича дастлабки касб кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Ўқув амалиёти таълим йўналиши (мутахассислик) хусусиятидан келиб чиқиб, асосан 1-ва 2-курсларда ташкил этилади;

**Ишлаб чиқариш амалиёти-технологик**, конструкторлик, фотометрик, даволаш ва ҳ.к. шаклларда ўтказилиб, талабалар томонидан муайян махсус фанлар туркумини ўрганиш жараёнида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, бевосита корхона, муассаса, ташкилотда ишлаб чиқариш жараёни ва унинг технологиялари билан таништириш, мутахассислик бўйича кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, шунингдек курс ишлари, битирув малакавий ишларини бажариш учун материалларни йиғиш, жараённи такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат;

**Педагогик амалиёт-таълим** турлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ишининг ажралмас қисми бўлиб, талабаларнинг педагогик касбига бўлган малакалари ва кўникмалари такомиллашиб

боради. Талабалар педагогик амалиёт даврида ўқув-тарбия жараёнининг барча томонларини таҳлил қилади ва бу амалиёт мактабгача таълим, давлат ва нодавлат умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасаларида амалга оширилади;

**Битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) олди амалиёти**—таълимнинг якуний босқичи ҳисобланадиган, талабалар томонидан назарий ва амалий ўқув дастурлари ўзлаштирилгандан сўнг битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси)нинг мавзуси бўйича материаллар тўплашдан иборат.

**Малака амалиёти дастури** таълим йўналиши (мутахассисликлар)нинг малака талабларига ва ишчи ўқув режадаги фанлар мазмунига мос келиши, таълим йўналишлар (мутахассисликлар)ининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек фан ва ишлаб чиқаришнинг сўнгги ютуқларини инобатга олиши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон. 23.09.2020. – Т., 2020. – 40 б. //https://lex.uz/docs/5013007
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. www. lex. uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги “Ёшларни маънавийтини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тўғрисида”ги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича 5 та муҳим ташаббус. <https://www.pv.uz/uz/news/>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида”ги Низом. ОЎМТВнинг 30 октябрь 1998 йил №305-сонли буйруғи.
8. Алиев И.Т. Педагогик амалиётни ташкил этиш. –Т.: “Fan va texnologiya”. – 2014. - 56 б.
9. Розов В. К. Педагогик амалиёт. Т., - 1985. – 24 б.
10. Рўзиев Х.Р.ва бошқалар. Касб-ҳунар коллежларида педагогик амалиётни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Тошкент. - 2001. - 61 б.
11. Собирова М. Педагогик амалиёт. Методик тавсиялар. –Н.: НамДУ, 2009, 52 бет.
12. Шарипов Ш.С. ва бошқ. Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг касбий мослашишнинг ташкилий-методик омиллари (методик қўлланма) –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, - 2007. - 37 б.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	4
1-БОБ. БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	5
1.1. Малакавий амалиёт ҳақида тушунча .....	5
1.2. Малакавий амалиётнинг мақсади ва вазифалари.....	5
1.3. Малакавий амалиёт турлари .....	6
2- БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАШКИЛОТЛАР, ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ МАЗМУНИ .....	7
2.1. Талабаларнинг ташкилотлар, ёзги оромгоҳлар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги малакавий амалиётни ташкил этиш .....	7
2.2. Спорт мажмуалари ва спорт саройларида малакавий амалиётни ташкил этиш.....	9
2.3. Мактабгача таълим муассасаларида малакавий амалиётни ташкил этиш.....	9
2.4. Ўқув дала амалиётини ташкил этиш .....	10
3-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА БАЖАРГАН ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ.....	11
3.1. Талабаларнинг малакавий амалиёт жараёнида бажарган ишларини ҳисобга олиш.....	11
3.2. Амалиёт раҳбарининг мажбуриятлари .....	11
3.3. Методистларнинг вазифалари .....	12
3.4. Педагогик амалиёт жараёнида бажариладиган ишларнинг тахминий мазмуни.....	13
3.5. Талабанинг педагогик амалиёт жараёнида тайёрлаши лозим бўлган ҳужжатлар .....	19
3.6. Амалиётчи — талабанинг ҳафталик иш режаси .....	20
3.7. Талабанинг педагогик амалиётни ўтказганлиги тўғрисидаги ҳисоботининг тахминий мазмуни. ....	21
3.8. Педагогик амалиётни ўтганлиги тўғрисида бериладиган тавсифноманинг мазмуни. ....	23
3.9. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари .....	24
3.10. Талабаларнинг малкавий амалиётига университет профессор ўқитувчилари томонидан раҳбарлик қилиш ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблаш.....	25
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА НИЗОМ .....	28

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ .....	32
Педагогика таълим соҳаси бўйича талабаларининг малакавий педагогик амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисида муваққат Низоми.....	39
ГЛОССАРИЙ .....	45
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	48